

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуksиз таълимининг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимининг давлат таълим стандарти

5410900– *Ипакчилик* бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим  
стандарти

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт  
высшего образования

Государственный образовательный стандарт  
направления образования бакалавриата  
*5410900 –Шелководство*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

Ўзбекистон узлуksиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5410900– *Ипакчилик* бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим  
стандарти

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Тошкент давлат аграр университети.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» март даги 84 - сон буйруғи.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

### 4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

*Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.*

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

## МУНДАРИЖА

|  | бет |
|--|-----|
| 1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари .....  | 1   |
| 2. Қўлланиш соҳаси.....  | 2   |
| 3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар .....   | 2   |
| 4. Таълим йўналишининг тавсифи.....  | 3   |
| 5. 5410900– <i>Ипакчилик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи .....                  | 3   |
| 6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар....  | 4   |
| 7. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари.....  | 21  |
| 8. Бакалавриятнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар..... | 33  |
| 8.1. Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар .....                           | 33  |
| 8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши.....   | 34  |
| 8.3. Малака амалиётини ташкил этиш талаблари.....  | 34  |
| 8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар..  | 35  |
| 8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари .....                           | 35  |
| 8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар .....  | 36  |
| 9. Бакалаврлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш .....                                | 36  |
| 10. Эслатма .....  | 37  |
| 11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати .....   | 37  |
| 12. Илова .....  | 38  |
| 13. Библиографик маълумотлар .....   | 39  |
| 14. Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари.....                 | 40  |

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти  
5410900 – Ипакчилик бакалаврият таълим йўналишининг  
давлат таълим стандарти

Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования  
Государственный образовательный стандарт направления образования  
бакалавриата 5410900 – Шелководство

State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan  
State Educational Standards of Higher Education  
State Educational Standard on the level of bachelors of 5410900- Silk worm

Амал қилиш муддати « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 201\_ йилдан  
« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 201\_ йилгача

**1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари**

Мазкур таълим йўналиш бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш куйидаги ҳужжатларга асосланган:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5 – сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги «Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида»ги 302-сонли буйруғи.



8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 190-сонли буйруғи.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 281-сонли буйруғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 446-сонли буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 158-сонли буйруғи.

## 2. Қўлланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг мазкур давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) 5410900–*Инакчилик* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

## 3. Атамалар, таърифлар, кисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

**компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим,

кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи:

**модуль** – тарбиялан ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян маънавий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

**таълим йўналиши** – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришни таъминловчи таянч ва фундаментал билимлар, ўқувлар ва кўникмалар мажмуаси;

**касбий фаолият объекти** – предметлар, вобектлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

**бакалаврият** – олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқини муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

**бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури)** – ўқув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражалаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

**ўқув-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи;

ДТС – Давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

#### 4. Таълим йўналишининг тавсифи

4.1. **5410900-Ипакчилик** таълим йўналишини камраб олувчи олий таълимнинг таълим дастурлари амалга оширилади, уни назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжатлар) берилади.

4.2. Таълим дастурининг меъёрий муддати, ўқини шакли ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

| Таълим дастурининг номи        | Малака (даража) | Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|--------------------------------|-----------------|---|
| Бакалавриятнинг таълим дастури | Бакалавр        | 4 йил   |

#### 5. 5410900– Ипакчилик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:

**5410900 - Ипакчилик** таълим йўналиши - фан ва кишлок хўжалик соҳасидаги йўналиш бўлиб, сифатли ишда етиштириш, ипак куртининг янги сот ва дурагайлари яратиш, ишдаларга ишлов бериш, сифатли зрут тайёрлаш, ипак куртининг озука баъласини яратиш ва тутининг янги навларини яратишдаги ишчи фаолияти, воситалари,

усуллари, йўсинлари, йўллари мажмуини ўз ичига олади.

**Бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни камраб олади:**

- фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик ташкилотлари;
- агроиндустриал мажмуаси ташкилотлари;
- қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий ташкилотлар;
- агроиндустриал мажмуаси бошқармалари;
- ипакчиликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифатини таъминлайдиган ишлаб чиқариш жараёنларини таҳлил, синтез қилиш ва оптимallashtiriш;
- ипакчилик соҳаси самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш учун лойиҳалар тузиш.

### 5.2. Бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари

**5410900 - Ипакчилик** таълим йўналиши бакалаврларининг **касбий фаолияти объектлари** қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш технологияси, тут уруғини экиш ва кўчатларни ўтказиш, тутни кўпайтириш ва уни касалликлардан ҳимоя қилиш ва зараркунандаларига қарши курашиш, ипак курти уруғини жонлантириш, ипак куртини озиклантириш, парвариш қилиш ва кўпайтириш, тут барги ва пилла етиштириш технологиясидан фойдаланиб унинг янги усулларини ишлаб чиқиш, ипак курти уруғини тайёрлаш, ипак курти касалликларига қарши курашиш, пиллаларга дастлабки ишлов бериш жараёнлари, янги хот ва дурагайлари яратини усулларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнлари.

### 5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари

- илмий—тадқиқот;
- ишлаб чиқариш;
- консалтинг;
- ташкилий-бошқарув.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олиқ таълим муассасаси томонидан аниқланади.

### 5.4. Касбий мослашниш имкониятлари

Педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

### 5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

**54410901-Ипакчилик** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

**6.1. 5410900– Ипакчилик** таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:

#### а) умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоёсини асосланган фаол ҳаётний нуқтан назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яқинг тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни амалдаги ҳаётдан

замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атрофи муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуallarини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналишини бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти туғрида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чинқитириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлаганга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

#### **б) касбий талаблар:**

##### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- интернет тармоғида илмий ва технологик жараёнларнинг янги маълумотларини мақсадли излаш;

- илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда ипак курти зот ва тут навларини синаш, улардан юкори ҳосил олишни, ипакчилик ва тутчиликни стандартлаштириш билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш;

- ипакчилик соҳасидаги маҳсуе адабиётлар, илмий маълумотлар, чет элда ва республикамызда эришилган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;

- илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этишда қатнашиш қобилиятига эга бўлиши керак.

##### **Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

- ипакчилик ва тутчилик соҳасида ишни ташкил этиш ва бошқариш;

- ишларни бажариш учун техника ва механизмларнинг тайёрлигини текшириш, ишлаб чиқаришга энг самарали механизация воситаларини танлаш;

- механизм воситалари, уруғлар, ўғитлар, захарли моддалар, қалоклаш ашёлари, ишчи кучи ва бошқа материалларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш ҳамда техник ҳужжатларни юритиш қобилиятига эга бўлишлари керак.

##### **Консалтнинг фаолиятида:**

- амалий масалаларни самарали ҳал этишда замонавий ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ бўлган ахборот технологияларини мукамал билиш ;

- инновацион ишланмалар бўйича таҳлиллар тайёрлаш ва консалтация беришда улардан фойдаланиш;

- ипакчиликнинг биологик хусусиятлари ва моҳиятини тушунарли тарзда етказа билиш қобилиятига эга бўлиши керак.

##### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- мутахассисликка оид долзарб масалалар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш ва ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатли бошқаришни олиб бориш; бажарувчилар жамоасининг ишларини ташкил қилиш ва фикрлар қилма-қиллиги шароитида бошқарув ечимларини қабул қилиш; меҳнат жамоасини ташкил қилиш ва

иншлаб чиқариш жараёнини бошқариш;

- бажариладиган иш режасини тузиш ва назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўладиган захираларни аниқлаш, шахсий иш натижаларини баҳолаш;

- атроф-муҳит ва меҳнат муҳофазаси тизимининг иншлаб чиқариш жараёндарига мувофиқ келиши бўйича мониторинг ўтказиш;

- меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, меҳнат жамоасини бошқаришда илгор усулларни татбиқ этиш;

- меҳнат жамоаси фаолиятини ижтимоий-иқтисодий таҳлил қилиш ва уларга сўнгги натижалар асосида баҳо бериш, хўжалик фаолияти натижаларини олдиндан баҳолаш қобилиятига эга бўлиши керак.

**6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйилган талаблар**

**6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар**

*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар* блоқи бўйича талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*» блоқи бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

**6.2.2.1. Олий математика фани бўйича**

**Бакалавр:**

- математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги, математик моделлар, математик моделлаштириш усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- объектларнинг миқдорий ва сифат нисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланишни;

- математик таҳлил, аналитик геометрия, чизикли алгебра, комплекс ўзгарувчи функция назарияси, эҳтимоллик назарияси ва статистик математика, дискрет математиканинг асосий тушуничалари ва методларини;

- функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделларини;

- муайян жараёнлар учун эҳтимолий моделларни ва тузилган модель доирасида ҳисобларни олиб боришни;

- моделларнинг иерархик структураси ва олинган натижалар қўлланилиши чегараларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда моделларни тадқиқ қилишни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- алгебрлик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;

- оддий дифференциал тенгламаларни тадқиқ қилиш, уларни аналитик ва сонли ечиш;

- математик физиканинг асосий тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш;

- экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг асосий методларидан фойдаланиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

**6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича**

**Бакалавр:**

- ахборот ва уни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни узатиш усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- турли даражадаги дастурлаш тилларини, маълумотлар базаларини, дастурий таъминот ва дастурлаш технологиясини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- дастурлаш ва ҳисоблаш техникаси ҳамда дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

**6.2.2.3. Физика ва агрометеорология фани бўйича**

**Бакалавр:**

- механиканинг физик асослари, электр ва магнетизм, тебраниш ва тўқинлар физикаси, квант физикаси, акустика, статик физика ва термодинамика, оптика, атом ва ядро физикаси кишлоқ хўжалик иншлаб чиқаришдаги ер атмосферасининг муҳити; кўёш

радиацияси: турлари *хақида тасаввурга эга бўлиши*;

- классик механикада ҳолат тушунчаси ва ҳаракат қонуनларини;  
- сакланиш қонуनларини, вакуум ва модалда электростатика ҳамда магнитостатикани;

- гармоник ва нוגармоник осциллятор тушунчаларини, спектрал ёйилманинг физикавий маъноси ва тебраниш қонуниятларини;

- корпускуляр-тўлқин дуализми, нониклик тамойили, квант ҳолатларини, гидродинамика, акустиканинг физикавий асослари ва товушнинг табиатини;

- термодинамиканинг уч қонуни, ҳолатнинг термодинамик функцияларини, несиклик-масса алмашинуви жараёнларида ўхшашлик назариясини қўллашни;

- ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонуनларини, атом тузилишини, атом нурланиш спектридаги қонуниятларини агрометеорологик кузатишларни; кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини агрометеорологик маълумотлар билан таъминлашни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- физикавий моделлари тадқиқ қилини;

- ишлаб чиқариш жараёнларида ва техникавий объектларда энг оддий физикавий тизимларнинг моделларидан фойдаланини;

- физика фанининг турли бўлимларига характерли бўлган қийматларнинг сонли тартибини ўлчам ва баҳолаш, тунироқ намлиги; шамол; об-ҳаво ва уни олдиндан башорат қилиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### 6.2.2.4. Кимё фани бўйича

##### Бакалавр:

- фаннинг анорганик, аналитик, органик, физикавий ва коллоид кимё бўлимлари мазмуни ва уларнинг қўлланиш услублари *хақида тасаввурга эга бўлиши*;

*анорганик кимё*: элементлар даврий тизимини, модаларнинг кислота-асослик ва оксидланиш-қайтарилиш хусусиятларини, кимёвий боғланиш, комплементарлик, комплекс бирикмалар, элементлар кимёси, s-, p-, d- ва f- элементларни;

*аналитик кимё*: сифат ва миқдорий таҳлил, кимёвий таққослаш, аналитик сигнал, кимёвий, физик-кимёвий, физикавий таҳлили;

*органик кимё*: Бутлеровнинг тузилиш назариясини, органик модаларнинг реакция қобилияти, органик кимёда изомерланиш ва номланиш, ахборот таҳлили, кўзгу (оптик) изометрияси, органик бирикмаларнинг асосий синфлари, терпенлар, стероидлар, каротиноидлар, линоллар, углеводлар, азот сасловчи бирикмалар, гетероциклик бирикмалар ва нуклеин кислоталар, олигомер ва полимерларни;

*физикавий ва коллоид кимё*: модалнинг агрегат ҳолати, кимёвий жараёнлар энергетикаси, эритмалар, дисперс тизимлар, кимёвий кинетика ва катализ, кимёвий ва фазовий мувозанатни, электрокимё ва коллоид кимёни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

Ўзбекистонда анорганик кимё фани ва кимё саноати, кимёвий таққослаш, биологик фаол органик бирикмалар ва кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни кимёлаштириш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### 6.2.2.5. Биология ва генетика фани бўйича

- биология фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги; Дарвиннинг эволюцион таълимоти; тур ва популяция тушунчалари; организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши; биосфера таълимоти; иреият ва ўзгарувчанлик; иреиятнинг моддий асоси; ДНК ва РНК структураси; Мендель қонунилари; генларнинг ўзаро таъсири натижасида белгиларнинг наслга ўтиши; жинс генетикаси; белгиларнинг бириккан ҳолда наслга ўтиши; индивидуал ривожланиши ва популяция генетикаси *хақида тасаввурга эга бўлиши*;

- Организмлар репродуктив органларини; организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланишини; иреиятнинг моддий асосини ва уни ўзгартириш мумкинлигини; аллель ва ноаллель генларнинг ўзаро таъсири натижасида белгиларнинг

наслга ўтишини; жинс билан бириккан белгиларнинг наслга ўтиш механизмини; бўғинларда гомозигот ва гетерозигот организмлар пайдо бўлишини; гетерозисни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- Белгиларнинг наслга ўтиш қонуниятлари асосида организмларни чапиштириш усулларини белгилаш; ирсиятни ўзгартириш; гетерозис олиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### 6.2.2.6. Экология ва атроф мухит муҳофазаси фани бўйича

##### Бакалавр:

- экология фанини ўқитишда экологик таълим ва тарбияга, экологик таълим ва тарбия ҳақидаги ўқитларни талабалар оғига сингдириш, экологик тизимларнинг биологик маҳсулдорлиги, организмларнинг яшаш муҳити, экологик ҳолат ва инсон соғлиги орасидаги муносабатларнинг физиологик хусусияти, табиат тизимларининг асосий хусусиятлари, биосфера тузилмаси ва унинг эволюцияси, ноосфера тушунчаси, моддаларнинг биосферада айланиши ва у билан боғлиқ глобал экологик муаммоларни ўрганиш, табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари, табиатдан оқилона фойдаланишнинг янада такомиллашган механизмларини шакллантириш, экологик тоза маҳсулотлар еттиштириш технологиялари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- Ўзбекистоннинг муҳим экологик муаммолари ҳақида илмий асосланган маълумотлар бериши:

- атроф-мухит ва организмнинг ўзаро таъсири ҳақида маълумотлар бериши;
- инсон ва атроф-мухитнинг физик, химик ва биологик ҳодисаларнинг зарarli таъсиридан химоя қилиш усули ва вазифаларини;
- синергетик жараёнлар ҳақида талабаларга маълумот бериш;
- кишлоқ хўжалиги метеорологияси, иқлимшўнослик ва метеорологик ҳодисаларни;
- метеорологик катталиклар ва уларнинг ўзгаришини иқлим шароитларига ҳамда экологик ҳолатига таъсирини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- кишлоқ хўжалиги агроландшафтининг экологик аҳволини аниқлаш;
- ўсимлик ва ҳайвонларнинг экологик омилларга чидамчилигини баҳолаш;
- табиатдан рационал фойдаланиш ва атроф-мухитни химоя қилиш ҳақида тадбир режаларини тузиш;

- ҳозирги замон экология фанини муҳим муаммолари;
- атроф-мухитга таъсир этувчи омиллар ва бу омилларни тирик организмга таъсир механизми тўғрисида маълумотлар бериш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### 6.2.3. Умумқасбий фанлар бўйича талабалар

##### 6.2.3.1. Ботаника ва ўсимликлар физиологияси фани бўйича:

##### Бакалавр:

Ўзбекистон ўсимликлари, ўсимликларнинг анатомик ва морфологик тузилиши, вегетатив ва генератив органларининг вазифалари, ўсимликлар географияси, экологияси ва уларни муҳофаза қилиш; ўсимликларда борадиган физиологик-биокимёвий жараёнлар, уларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларидаги ўзгаришлар ва ноқулай омилларга чидамчилиги, таркибдаги биополимерлар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- ўсимлик ҳужайраси ва тўқималарини тузилишларини ўсимликларнинг вегетатив ва генератив аъзоларининг морфологик ва анатомик тузилиши, уларнинг ўзгаришларини;
- ўсимликларнинг кўпайиш усулларини ва чангланиш-уругланиш жараёнларини;
- ўсимликлар систематикасини, ўсимликлар экологиясини,
- ўсимликлар географияси, геоботаникани, ўсимликларни кўпайтириш йўллари, улардан оғди равишда фойдаланишни ва муҳофаза қилишини;
- ўсимликлардаги фотосинтез реакциялари ва унда углероднинг ўзлаштириш йўллари;

- нафас олиш ва унга мухит омилларининг таъсирини;
- сув алмашишуви ва ўсимликларнинг минерал ағдиратиш макро ва

микроэлементларнинг аҳамиятини;

- ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини, ноқулай омилларга чидамлилиги ва уларни бартараф этиш йўлларини;

- ўсимликлардаги оксиллар, нуклеин кислоталар углеводлар, липидлар миқдори, тузилиши, таснифи ва уларнинг алмашинувини;

- ўсимликлар томонидан нитратларнинг ўзлаштирилиши ва аминокислоталар синтезини;

- ўсимликлар таркибидagi ферментлар ва витаминлар, уларнинг тузилиши ҳамда вазибаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- маданий ва ёввойи ўсимлик турларини аниқлаш, ўсимлик жамоаларини геоботаник ўрганиш;

- турли тупроқ-иклим шароитларида ўсимликларни етиштириш ва уларни ноқулай омилларга чидамлилигини кучайтириш;

- ўсимликлардаги физиологик-биокимёвий жараёнларни бошқариш орқали уларнинг ҳосилдорлигини ошириш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

### 6.2.3.2. Зоология фани бўйича

#### Бакалавр:

- ҳайвонот оламнинг аҳамияти;

- организмларнинг индивидуал ва тарихий ривожланиши;

- ҳайвонот дунёсининг систематикаси ва классификацияси;

- ҳайвонларнинг тарқалиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- ҳайвонот дунёси ва унинг инсон ҳаёт фаолиятида тутган ўрнини;

- ҳайвонларнинг келиб чиқиши ва ўсимлик дунёсидан фарқини;

- ҳайвонларнинг тишларга, синфларга бўлишини ва ривожланишини;

- умурткали ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг тузилиши ва кўпайишини;

- ҳайвонот ва муҳит ўртасидаги боғлиқликни;

- ҳайвонларнинг тарқалишини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- ҳайвонларнинг турлари, тузилиши, ривожланиши ва кўпайиши;

- ҳайвонот ва ташқи муҳит ўртасидаги таъсирот ва боғлиқлик;

- Ўзбекистон ҳайвонот дунёси ва уни яхшилаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

### 6.2.3.3. Ипак қурти эмбриологияси ва биотехнология фани бўйича

#### Бакалавр:

- эмбриология ҳақида тушунчага;

- жинсий безларни пайдо бўлиши ва ривожланиши;

- тухумдонда тухумларнинг ҳосил бўлиши;

- сперматозондн ҳосил бўлиши ва ривожланиши;

- капалакларнинг жинсий безлари ва чатишини, тухумларни оталаниши;

- ипакчилик соҳасини халқ ҳўжалигидаги аҳамияти;

- тут баргидан ипак қуртлари учун озука сифатида фойдаланиш;

- суғий озука тайёрлаш технологияси;

- ипакчиликда биотехнология усулларида фойдаланишни;

- тут дарахтининг ўсиши ва ривожланишида, тут дарахтини кўпайтиришда биотехнология усулларида фойдаланиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- тухумда эмбрионни ҳосил бўлиши босқичларини

- сперматозондн ҳосил бўлиши даврларини;

- ипак қуртини ва капалакларини жинсий органлари ва чатишини;

- эмбрионни ривожланиш босқичлари ва уни ипак қуртини ривожланишидаги

- тутган ўрнини;

- ипак қуртини ривожланиш даврларида жинсга ажратишни;

- капалакларни жинсий белгилари ва чатишини, тухумларни оталаниши ва

- капалакларни тухум тайишлашларини;

- оталанган ва қишлоқчи тухумларининг рангини; **ЎЗБЕКИСТОН АСОТЛИГА**

STANDARTLASHTRISH, DAVLAT

UZDARAT K. MUHOZIRLASHTIRISH VA

ASDOROT TEXNOLOGIYALARINI

JURIT ET'SH TADQIQOTIS'

- тухумда эмбрион ривожланишини тўхтатиш муддатларини;
- фермер хўжаликларида хайвонларни парваришlash ва кўпайтиришни;
- биотехнология услубиётини ипакчилик соҳасида қўллашни;
- тут уругини тайёрлаш ва экишни;
- тутни парвариш қилиш агротехникаси, кўпайтириш усуллари, тутзорлар ташкил қилишни;
- тут питомникларида ишни ташкил этишни;
- илмий изланишнинг аҳамияти ва уни олиб бориш услубиётини;
- илмий изланиш қондалари ва тартибини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- ипак қуртининг эмбрионал ривожланиши бўйича жинсларга ажратилиш;
- тухум ва сперматозоидни ҳосил бўлиш жараёнини таҳлил қилиш;
- капалакларни чатиштириш ва тухумларни оталанишини таҳлил қилиш;
- капалакларни тухум ташлаш жараёнини кузатиб таҳлил қилиш;
- кишлайдиган ва кишламайдиган тухумларни олиш *кўникмаларига эга бўлиши*

*керак.*

#### 6.2.3.4. Ипак қурти биологияси фани бўйича

##### Бакалавр:

- ипакчиликни тарихий тараққиёти;
- табиий ипакнинг аҳамияти;
- ипак қуртининг ривожланиш даврлари;
- ипак қуртининг морфологик ва анатомик тузилиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- ипак қуртининг турларини;
- ипак қуртининг зоологик систематикаси ва ривожланиши;
- ипак қурти танасида кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларни;
- ипак бези фаолияти ва ипак суюқлигини ҳосил бўлишини;
- инги терини ҳосил бўлиши ва қуртни пўст ташлаш жараёнини;
- овқатни ейишни, хазм бўлиши ва молда алманишни жараёнини;
- ипак суюқлигини чиқиши ва қуртининг пилла ўрашини *билиши ва улардан*

*фойдалана олиши*;

- ипакчиликни кишлоқ хўжалигида тутган ўрни;
- табиий ипакни олиниши ва аҳамияти;
- қуртларни ёшлари бўйича фарқи;
- қуртларни озикаланиш жараёни;
- қуртларни пилла ўраш жараёни юзасидан *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.3.5. Тупроқшунослик ва агрокимё фани бўйича

##### Бакалавр:

- кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришни тупроқ ва унинг унумдорлигига боғлиқлиги;
- МДХ ва Ўзбекистон Республикаси тупроқ турлари ва уларнинг географик тарқалиши;
- тупроқ қондамнинг, биожологик, биоэнергетик, азот оксил тўплаш, биокимёвий, гидрологик ва атмосфера таркибига таъсири вазифалари;
- тупроқ ва ўсимлик орасидаги узвий боғлиқлиги;
- ўғитлар ва уларнинг турлари;
- ўсимлик-ўғит орасидаги боғлиқ;
- ўғитларни кишлоқ хўжалигидаги вазифаси *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- тупроқшунослик фанининг мақсад ва вазифаларини;
- тупроқшуносликни фан сифатида ривожланиши, бунда тупроқшунос олимларининг тарихий илмий изланишларини;
- умумий тупроқшуносликнинг асослари, тупроқ пайдо бўлиш жараёнларининг

умумий схемасини:

- тоғ жинслари ва минералларнинг келиб чиқиши, нураши ва уларнинг турларини;
- тупроқ пайдо қилувчи она жинслар ва уларнинг турларини;
- тупроқ профилининг тузилиши ва унинг морфологик белгиларини;
- тупроқнинг механик таркиби ва умумий физик хоссалари. Тупроқнинг кимёвий таркиби, тупроқдаги макро ва микроэлементлар, тупроқнинг радиоактивлиги;
- тупроқ пайдо бўлишда тирик организмларнинг роли;
- тупроқнинг органик қисмининг келиб чиқиши, таркиби ва хоссалари, тупроқ гумуси, унинг таркиби, хоссалари ва тупроқ унумдорлигини аҳамияти.
- тупроқ коллоидлари, унинг таркиби, тузилиши ва хоссалари;
- тупроқнинг сингдириш қобилияти ва унинг турлари - механик, биологик, кимёвий, физикавий ва физик-кимёвий сингдириш қобилияти;
- тупроқнинг кислоталилиги, ишқорийлиги, буферлиги;
- тупроқ структураси ва сув хоссалари;
- тупроқ ҳаво хоссаси ва ҳаво режими;
- тупроқ унумдорлиги ва унинг яхшилаш чора тadbирлари;
- тупроқларнинг географик тарқалиш қонуниятлари. МДХ давлатлари тупроқларининг келиб чиқиши, таркиби, хоссалари ва улардан кишлоқ хўжалигида фойдаланиш:
- Ўзбекистон ҳудудида тарқалган тупроқлар, уларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, хоссалари ва аҳамияти;
- тупроқ эрозияси ва унга қарши кураш чоралари;
- шўрланган тупроқлар ва шўрланишни бартараф этиш чоралари;
- тупроқ деградацияси ва муҳофазасини;
- тупроқ бонитировкаси ва унинг аҳамияти. Тупроқ хариталарини турлари ва улардан фойдаланишни;
- агрокимёнинг мақсади ва вазифалари, ривожланиш тарихини;
- ўсимликларни кимёвий таркиби ва озикланишини;
- ўсимликларни озикланиши ва ўғит қўллаш билан боғлиқлик хоссаларини;
- минерал ўғитлар турларини: азотли, фосфорли, калийли, микроўғитлар, комплекс ўғитлар, кўкат ўғитлари, бактерия препаратлари, ўсимликлар озикланишининг диагностикасини;
- асосий кишлоқ хўжалик экинларини ўғитлаш, гўзани, донли экинлари, сабзавот экинларини, мевали дарахтлар, ток ва тутун ўғитлашни;
- минерал ва маҳаллий ўғитларни сақлаш, тациш ва тайёрлашни ташкил қилишни;
- агрокимёни замонавий муаммоларини **билниши ва улардан фойдалана олиши;**
- эрозияланган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш;
- шўрланишни бартараф этиш чораларини кўриш;
- деградацияга учраган тупроқлар ҳолати ва уларни муҳофаза қилиш;
- тупроқларни сифат жиҳатдан баҳолаш;
- минерал ва маҳаллий ўғитларнинг турлари, олиниши ва хоссаларини таҳлил қилиш:
- турли тупроқ типлари ва типчаларининг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларини таҳлил қилиш;
- тупроқ хариталарини ўқий олиш ва фойдаланиш;
- тупроқни бонитировкалаш асосида ҳосил етиштиришни режалаштириш.

- ўғитга бўлган талабни ҳисоблаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.3.6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни механизациялаштириш фани бўйича

##### Бакалавр:

- республикада ва чет элларда қўлланиладиган асосий ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш учун қишлоқ хўжалик техникалар комплекслари,

-технологик жараёнларни бажаришда электроэнергетика ва автоматикадан фойдаланиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиладиган энергетика воситаларининг тузилиши ва ишлашини,

- тупроққа ишлов бериш, ўғит солиш, экин уруғларини экин ва кўчат ўтказиш, экинларни парваришлаш, ўсимликларни химоя қилиш, ем-хашак тайёрлаш технологиялари ва уларга қўйиладиган агротехник талабларни, машиналарнинг тузилишини, ишлашини ва технологик соғламаларини ,

- хар хил қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини йигиб олишда қўлланиладиган технологиялар ва машиналар, уларга қўйиладиган агротехник талаблар, машиналарининг тузилиши ва ишлашини,

- технологик жараёнларни бажаришда машина трактор агрегатларини тузиш ва улардан самарали фойдаланиш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва чет эллардан келтирилаётган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини бошқариш,

- механизациялашган қишлоқ хўжалик ишларини бажариш технологик харитасини тузиш,

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникаларини танлаш ва улардан технологик жараёнларни бажаришда самарали фойдаланишни ташкил этиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.3.7. Мевачилик ва сабзавотчилик фани бўйича

##### Бакалавр:

- мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик ҳамда химояланган ер сабзавотчилигининг ривожланиш тарихи, ҳозирги ҳолати, истикболи ва аҳамияти, мева-сабзавот ва узум кўчатларини етиштириш технологияларининг ўзига хос хусусиятлари, уларни янги юкори ҳосилли нав намуналари тавсифи, уларни экин муддатлари ва усуллари, ҳамда парваришда янги технологияларни қўллаш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- мева-сабзавот, узум ва поллиз экинлари меваларининг кимёвий таркиби ва озиқлик киймати;

- мева-сабзавот, узум ва поллиз экинларининг келиб чиқиш маконлари, филогенези ва антогенези;

- мева-сабзавот, узум ва поллиз экинларини тупроқ шароитига кўра жойлаштириш, алмашлаб экиш, эртаги, ўртаги ва кечки навларини етиштириш усулларини;

-мева-сабзавот, узум ва поллиз экинларини уруғ ва кўчатларини экинга тайёрлаш ва экишни;

- мева-сабзавот ва узум ўсимликларни суториш муддатларини, микдорлари, усулларини;

- мева-сабзавот ва узум ўсимликлари касалликлари ва зараркундаларига қарши кимёвий моддалардан фойдаланиш ҳамда биологик усуллардан фойдаланишни;

- мева-сабзавот, узум ва поллиз ўсимликлари етиштиришдаги истикболли технологияларни;

- мева-сабзавот ва узум ўсимликларини экин қалинлиги, озиқланиш майдони ва юза бирлигидаги ўсимликлар сонини аниқлашни;

- химояланган жой ишшоотларида микроклиматни яратиш ва сақлаш техникали

эритмаларда сабзавот етиштириш усуллари ва химояланган ерларда кўчат ва сабзавот етиштириш хусусиятларини;

- мева-сабзавот ва узумчиликда селекция жараёнлари, уруғшунослиги ва нав яратиш технологияларини;

- мева-сабзавот, полизчилик ва узумчиликда чатиштириш учун ота-она жуфтлари ва бирламчи материалларни тўплаш, суғий чатиштириш, кастрация қилиш, дурагайлар ва уруғлик ўсимликларни апробациясини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- мева-сабзавот ва узумчиликда очик ва химояланган ерларда экинларни экин муддати, меъёри, уруғ тайёрлаш, экиш чуқурлиги, усули, парваришлаш, суғориш, қатор орасига ишлов бериш, ўғитлаш, чилиш, шакл бериш, касаллик ва зараркундаларга қарши ишлов бериш, экинзорларида апробация ўтказиш, биологик ҳосилни аниқлаш ва ҳосилни йиғишда техникадан фойдаланиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### 6.2.3.8. Ўсимликшунослик ва пахтачилик фани бўйича

##### Бакалавр:

- кишлоқ хўжалик ўсимликлари ва гўзани келиб чиқиб марказлари, тарқалиши, ташқи муҳитнинг асосий омилларига талаби;

- суғориладиган шароитда дала экинларини интенсив усулда етиштириш, гўза етиштиришнинг энергия ва маблағ тежовчи технологиялари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- дала экинларини энергия ва ресурс тежамкор технология асосида етиштириш технологиясининг илмий асосларини, экин гуруҳлари бўйича: доңлилар, дуккаклилар, мойли экинлар, илдиз ва туганак мевалилар, толалилар, маҳорка ва тамақини;

- дала экинлари морфологияси, биологияси, гўза систематикаси, ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини, ташқи муҳит омилларига талабини;

- дала экинларида юқори ва сифатли ҳосил шаклланишининг илмий асосларини, минтақалар бўйича дала экинлари ва гўзадан юқори ҳосил олишни таъминловчи агротехник тадбирларни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- экинларни экиш: экиш муддати, меъёри, уруғ тайёрлаш, экиш чуқурлиги, усули, парваришлаш, суғориш, қатор орасига ишлов бериш, ўғитлаш, чилиш, касаллик ва зараркундаларга қарши ишлов бериш, дала экинзорларида апробация ўтказиш, биологик ҳосилни аниқлаш ва ҳосилни йиғишда техникадан фойдаланиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.9. Пиллачилик маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш асослари билан фани бўйича

##### Бакалавр:

- сақлаш ва қайта ишлашнинг асосий усулларини ўзлаштириш;

- маҳсулотни етиштириш даврида ва кузги-кишкы сақлашда рўй берадиган жараёнларни назарий таърифлари билан танишини;

- маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардорлигини;

- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида атама ва тушунчалар;

- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат тизимлари ва уларни ташкил қилиш;

- халқаро шартнома ва битимлар;

- сертификатлаш объектлари ва субъектлари;

- кишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатига таъсир этувчи омиллар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- маҳсулотларни сақлаш усул ва режимларни қўллашни;

- хом ашёни турига мос қайта ишлаш технологиясини таниши ва ишлаб чиқаришда

кўллашни;

- хом ашё ва консерваланган маҳсулотни кадоклашда истиқболли идишлардан фойдаланишни;

- маҳсулотларни товар ҳолатига келтиришни;

- контейнерлардан кент фойдаланишни;

- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий ва назарий асосларини;

- стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва кўллашни;

- давлат метрология хизматини;

- ўлчаш турларини;

- ўлчамлар бирлигини таъминлашни;

- мажбурий ва ихтиёрий сертификатлашни;

- мувофиклик сертификатини;

- сертификатлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини;

- сертификатлаш схемаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- маҳсулот сифатига турли омиллар таъсирини аниқлаш;

- режимларга риоя қилган саклаш муддатларини узайтириш йўллариини ишлаб чиқиш;

- қайта ишлашда самарали, кам чиқимли технологияни тадқиқ этиш;

- юқори сифатли консерваланган маҳсулотларни тайёрлаш;

- кишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифат кўрсаткичлари ва уларни стандартлаштириш;

- кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сертификатлашда бажариладиган ишларни ташкил этиш;

- метрология соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш;

- ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш;

- стандартлар, меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш *қўникмаларига эга бўлиши*

*керак.*

**6.2.3.10. Тутқичлик илмий ивланиш асослари билан фани бўйича**

**Бакалавр:**

- тут баргининг инак қурғлари учун озика сифатида фойдаланиш;

- тут дарахтини ўсиши ва ривожланишига таъки муҳитни таъсир;

- тут дарахтини кўпайтириш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- тут уругини тайёрлаш ва экишни;

- тутни ички ва ташқи тузилишини;

- тутни парвариш қилиш агротехникасини;

- тутни кўпайтириш усулларини;

- тут ниҳолчалари ва кўчатларини ўстиришни;

- тутзорлар ташкил қилишни;

- тут ниҳолчиликларидан ишни ташкил этишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- тут уругини экиш ва ниҳолча етиштириш;

- тут кўчатларини парвариш қилиш ва тутзорлар ташкил этиш;

- бар ҳосилдорлигини аниқлаш ва сифатини яхшилаш *юзасидан қўникмаларига эга бўлиш керак.*

**6.2.3.11. Чорвачилик асослари фани бўйича**

**Бакалавр:**

Чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдаги муҳим муаммоларини ечиш, янги технологик жараёнлар ва усулларни кўллаш, ҳайвонлар маҳсулдорлигини оширишда наслчилик ишларини тўғри олиб бориш ва молларнинг маҳсулот бериш қобилиятини оширишда мустаҳкам озуқа базасини яратиш, ҳамда ҳайвонларни тула *қўникмалари* билан боқиб

технологияси *хақида тасаввурга эга бўлиши;*

- кишлоқ хўжалик хайвонларини асосий биологик хусусиятларини;
- урчигилдиган асосий чорва молларининг турларини;
- чорвачиликда селекция ва наслчилик ишларини;
- эликлантириш, саклаш, ўсиш ва ривожланишини;
- чорвачилик хўжаликлариди урчигилаётган хайвон турларини кўпайтиришни;
- чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиялари;
- чорва маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил қилишни *билиши*

*ва улардан фойдалана олиши;*

Чорва маҳсулотлари сифатини ва рақобатбардошлигини белгиловчи хужжатлар; маҳсулотларни навлаш ва сертификатиядан ўтказиш; маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини белгиловчи тизимлар, ҳамда улар билан ҳамкорлик қилиш асосларини тўғри аниқлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.3.12. Тут касалликлари ва селекцияси фани бўйича

**Бакалавр:**

- тут дарахти ва барглари аҳамияти;
- тут селекцияси;
- тут навлари;
- янги яратилаётган тут навлари
- тут дарахтининг касалликлари;
- тут дарахти ва баргининг асосий зараркунандалари;
- тут дарахтининг касалликлари ва зараркунандаларини тарқалиши ва келтирадиган зарари;

- тут касалликлари ва зараркунандаларига қарши қураш чоралари *хақида тасаввурга эга бўлиши;*

- халқ селекцияси ва тут селекциясининг аҳамиятини;
- тут дарахтининг географик тарқалишини;
- тут навлари ва гибридларини;
- тут навларининг классификациясини;
- тут дарахти селекциясининг методларини;
- тут дарахти навлари ва дурагайларини синов ва районлаштириш методикасини;
- тут дарахти уруғчилигини;
- тут дарахтининг қамбурут, вирус ва бактериал касалликларини;
- тут касалликларини келиб чиқиш сабабларини;
- касалликларнинг белгилари, аломатлари, ривожланишини;
- касалликларни юқумли ва юқумсизлигини;
- тут дарахти ва баргининг зараркунандаларини;
- тут касалликлари ва зараркунандаларини тарқалиши ва барг ҳосилдорлигига зарарини;

- тут касалликлари ва зараркунандаларига қарши қураш чораларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- тут дарахти навларини фарқлаш;
- тут дарахтини янги маҳсулдор дурагайларини яратиш;
- тут дарахти навлари ва дурагайларини синов, районлаштириш ва баҳолаш;
- тут дарахти уруғчилиги технологиясини қўллаш;
- касалликнинг турлари ва ривожланишини аниқлаш;
- касалликни белгилари, кўриниши ва аломатларини аниқлаш;
- зараркунандаларининг асосий турларини аниқлаш;
- касаллик ва зараркунандаларни барг ҳосилдорлигига келтирадиган зарарларини аниқлаш;

- тут касалликлари ва зараркунандаларига қарши қураш чораларини қўллаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### 6.2.3.13. **Ўсимликларни химоя қилиш ва фитопатология фани бўйича Бакалавр:**

- хайвонот дунёсини типга, туркумга, авлодларга ва турларга бўлиниши;
- умуртқасиз хайвонларни турухланиши асосида тузилиш хусусиятлари;
- умуртқасиз хайвонларни ривожланиш хусусиятлари;
- зарарли хашаротларни ташқи тузилиши ва энтомофаглари кўпайтириш ва қўллаш;
- микробиологик препаратларнинг ахамияти ва қўлланилиши;
- ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари ва уларни қўллаш;
- пестицидларни атроф-муҳит муҳофазаси:
- ерда, ўсимликларда, хавода пестицидларни колдикларини аниқлаш;
- ўсимлик касалликлари ҳақида, ўсимликларда замбурутлар, бактериялар ва вируслар қўзғатадиган касалликлар ва уларнинг белгилари;
- ўсимликларни уйғунлашган тизимда химоя қилишнинг назарий асослари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- хайвонот дунёсини синфлари, ҳаёт кечирishi ва ташқи муҳитда эгаллаган ўрни;
- хашаротларни ташқи тузилиши асосида турларни аниқлай олиши;
- зарарли организмлар турларини билган ҳолда ўсимликларни химоя қилишда улардан фойдаланиш;
- микробиометод тушунчаси ва уни ўсимликларни химоя қилишда тутган ўрни;
- микробиологик препаратларни қўллаш;
- пестицидларни хусусиятларини билган ҳолда уларни қўллаш, зарарли организмларга ўттиш йўллари, таъсир қилиш механизмини;
- ўсимликларни биологик усулда химоя қилишнинг моҳияти ва ахамиятини;
- биологик химоя қилиш воситаларидан фойдаланиш усулларини;
- энтомофаглари тарқатиш йўллари;
- ўсимлик касалликлари қўзғатувчиларини ривожланиш даврини аниқлаш, касалликларни бартараф қилишни замонавий усулларини қўллаш;
- тахар ва захарланиш тўғрисидаги тушунчани **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- энтомология ва ўсимликларни зарарли организмлардан уйғунлашган химоя қилиш фанининг мақсад ва вазифалари;
- энтомология ва ўсимликларни зарарли организмлардан уйғунлашган химоя қилиш фани сифатида ривожланиши, бунда соҳа олимларининг тарихий илмий изланишлари;
- ўсимликларни зарарли организмлардан химоя қилишнинг умумий моҳияти, уйғунлашган кураш тизими;
- кишлук хўжалик эканлари зарарли организмларлари морфологияси, анатомияси, физиологияси, ва биоэкологик хусусиятлари;
- зарарли организмларлар биоэкологиясини билган ҳолда уларни олдиндан ривожланишини башорат қилиш;
- зарарли организмларга қарши қўлланиладиган кураш чоралардан уйғунлашган тизимини тузиши;
- кишлук хўжалик ўсимликларини зарарли организмларлардан уйғунлашган химоя қилиш тизимини қўлланиладиган кейин иктисодий самарадорлигини ҳисоблай олиши;
- маҳсулотларни сақлаш давридаги оғир зарарли организмларларга (биоэкологик

хусусиятлари ва уларга қарши кураш чоралари

- барча экин майдонларини, ўсимлик хом-ашёларини, озиқ-овқат маҳсулотларини зарарланганлик даражасини аниқлаш;

- карантин кураш чораларининг моҳияти ва аҳамияти;

- кишлук хўжалик ўсимликларни карантин ва зарарли хашаротларни аниқлаш

белгилари;

- энтомофагаларни кўпайтириш ва қўллаш;

-микробиологик препаратларнинг аҳамияти ва қўлланилиши;

- зарарли организмларларга қарши қўлланиладиган уйғунлашган кураш чоралари;

- ўсимликларни уйғунлашган усулда химоя қилишда мавжуд кураш чора тадбирларининг ўрни;

- зарарли организмларлар ривожланишида ва кураш чоралари тизimini тузганда

башаротнинг тутган ўрни *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.3.14. Ипак қурти селекцияси фани бўйича

**Бакалавр:**

- селекция фанини моҳияти ва ютуқлари;

- наслчилик станциялари;

- суперэлита уруғ тайёрлаш;

- ипак қуртининг зот ва дурагайлари;

- ипак қуртининг янги зот ва дурагайлариини давлат синовидан ўтказиш *ҳақида*

*тасаввурга эга бўлиши;*

- ипак қуртининг зот ва дурагайлари ва уларнинг классификацияси;

- ирсият ва ўзгарувчанлик;

- селекция ишларининг тартиби;

- хусусий селекция;

- биволтин зотларини етиштириш;

- ипак қуртининг жинсини бошқариш;

- селекция ишлари учун қурт бокши техникаси;

- ипак қуртининг зот ва дурагайлариини давлат синовидан ўтказиш;

- ипак қуртининг наслчилик ишлари;

- наслчилик станциясининг вазифаси ва фаолияти;

- элита ва суперэлита уруғ тайёрлашни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- ипак қуртининг янги зот ва дурагайлари ва уларнинг пиллаларини морфологик -

белгиларини аниқлаш;

- ипак қуртининг жинсини бошқариш;

- селекция учун қурт бокши технологиясини жорий қилиш;

- ипак қуртининг дурагайлариини давлат синовидан ўтказиш;

- наслчилик ишларини бошқариш;

- элита ва суперэлита уруғларини тайёрлаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.3.15. Кишлук хўжалиги иктисодиёти ва менежмент асослари фани бўйича

**Бакалавр:**

- кишлук хўжалигининг республика иктисодиётидаги аҳамияти;

- кишлук хўжалигида олиб бориладиган иктисодий иелоҳотлар;

- кишлук хўжалигида фойдаланиладиган ер - сув ресурслари;

- кишлук хўжалиги корхоналарининг ташкилий - иктисодий ва ҳуқуқий асослари;

- фермер ва деҳқон хўжаликларининг иктисодиётда тутган ўрни;

- кишлук хўжалиги маҳсулотлари бозори;

- кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти ва мазмуни;

- кичик бизнес ва тадбиркорликни иктисодиётда тутган ўрни, турлари ва

шакллари;

- менежментнинг моҳияти;

- менежментнинг мақсади ва вазифалари;

- менежментни ривожланиш босқичлари;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг фаолиятини ҳукукий бошқариши;
- бошқарув функциялари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;
- кишлоқ хўжалигида ер - сув ресурсларидан фойдаланишни кўрсаткичларини;
- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини;
- кишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий ва айланма фондларини;
- кишлоқ хўжалигида мулкӣ муносабатларни;
- кишлоқ хўжалигида моддий - техника ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини;
- кишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари;
- кишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқаришни ташкил этиш усулларини;
- кишлоқ хўжалигидаги шартномавий муносабатларни;
- деҳқончилик тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил этишни;
- чорвачилик тармоғида ишлаб чиқаришни ташкил этишни;
- кишлоқ хўжалиги корхоналаридаги фойда, даромад ва харажатларни;
- кишлоқ хўжалигида молиявий натижаларнинг шаклланиш тартибини;
- фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш тартибини;
- фермер ва деҳқон хўжаликларида хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг иқтисодий кўрсаткичларини;
- фермер ва деҳқон хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларини;
- контракция шартномаларини тузиш тартибини;
- тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш тартибларини;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ва режалаштириш усулларини;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кредитларни жалб этиш йўллари;
- тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳукукий ҳужжатларнинг моҳиятини;
- ишлаб чиқаришнинг мақсад ва стратегиясини ишлаб чиқишни;
- менежмент ва маркетинг ахборот таъминотини ташкиллатиришни;
- корхона ичидаги режалаштиришни ташкиллатиришни;
- менежментнинг назорат функциясини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- кишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш;
- кишлоқ хўжалиги маҳсулотларга нарх белгилаш;
- кишлоқ хўжалиги тармоқларини иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- кишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш билан боғлиқ ишларни бажариш;
- иш ҳақи фондиди режалаштириш;
- кишлоқ хўжалик корхоналарини давлат ва бошқа корхоналар билан иқтисодий ҳамда шартномавий муносабатларини ташкил қилиш;
- ер, меҳнат, моддий - техникавий ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;
- кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб - қувватлаш;
- тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш ва ошириш;
- корхонанинг стратегик ва халқаро фаолиятини бошқаришни ташкиллатириш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

### 6.2.3.16. Кишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва солиқка тортиш фаши бўйича

#### Бакалавр:

- бухгалтерия ҳисобининг моҳияти, предмети, методи ва усуллари;
- бухгалтерия ҳисобининг ташкил этиши ва юртишнинг меъерий-ҳуқуқий асослари;
- активлар, мажбуриятлар ва ҳусусий капитал ҳисобини юртишнинг асосий қондалари;
- бухгалтерия ҳисоби ахборотларини йиғиш, ишлов бериш ва уларни тақдим этиш;
- солиқларнинг моҳияти, зарурлиги ва функциялари тўғрисида;
- солиқ тизими ва солиқларнинг туруқланиши тўғрисида;
- кишлоқ хўжалиқ корхоналарининг солиқ тизими ҳақида;
- солиқка тортиш усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- бухгалтерия ҳисобининг усулларини;
- бухгалтерия ҳисобининг счётлари ва икки ёклама ёзувини;
- ҳужжатлаштириш ва инвентаризацияни;
- бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва шаклларини;
- активлар, мажбуриятлар ва ҳусусий капитал ҳисобини ташкил этишни;
- харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисобини юртишни;
- даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижаларни аниқлашни;
- молиявий ва статистик ҳисоботларни тайёрлаш ва тузишни;
- кишлоқ хўжалиқ корхоналари солиқ объекти, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари ва солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш муддатларини;
- жисмоний шахсларни солиқка тортишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- хўжалиқ муомалаларини ҳужжатлаштириш;
- хўжалиқ муомалаларини бухгалтерия счётларида икки ёклама аке эттириш;
- активлар, мажбуриятлар ва ҳусусий капитал ҳисобини юрита олиш;
- хўжалиқ операцияларини ҳисоб регистрларида аке эттириш
- молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш;
- солиқ объектларини тўғри аниқлаш;
- солиқ имтиёзларини тўғри қўллаш олиш;
- солиқларни ҳисоблаш варақаларини тузиш ва солиқ органларига тақдим этиш *қўниқмаларига эга бўлиши керак*.

### 6.2.3.17. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фаши бўйича фаши бўйича

#### Бакалавр:

- инсон ва яшаш муҳити: меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти учун қулай шароитлар;
- хавфсизлик: техника тизимларининг хавфсизлиги ва экологиклиги;
- меҳнат хавфсизлиги: Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш тиббиёти ва ёнги хавфсизлиги бўйича қонунчилик асослари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- антропоген омиллар манбаи, ишлаб чиқариш муҳитининг микроклим қўрсаткичлари, ҳавони ифлослантирувчи манбаалар, механик ва акустик тебранишлар, электромагнит ва ионли нурланишлар, электр ток таъсири;
- фақулудда вазиятларда хавфсизлик, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини бошқариш, электр хавфсизлиги асослари, ишлаб чиқариш тиббиёти, ёнги хавфсизлиги;
- меҳнатнинг психофизиологик асослари, инсон танасининг анатомик ва антропометрик қўрсаткичлари ва уларни ишлаб чиқариш шароитларига мослигини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- меҳнат жараёнида инсон хавфсизлиги, соғлиғини ва ҳаётини таъминлашга қаратилган методик чораларни ишлаб чиқариш

- mexnat xavfsizligi b'uyincha mutaxassislariga b'ulgan талаб даражасини аниклаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.4. Ихтисослик фанлари б'уйинча талаблар

##### 6.2.4.1. Ипак қурти экологияси ва боқиш агротехникаси фани б'уйинча

###### Бакалавр:

- ипак қурти экологияси;
- ташқи шароит омилларини ипак қуртига таъсири;
- қурт хоналар ва уларни тайёрлаш;
- ипак қуртини боқиш агротехникаси *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- ташқи шароит омилларини ипак қуртининг ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири;

- кичик ёшдаги қуртларни боқиши;

- пленка остида қурт боқиши;

- қатта ёшдаги қуртларни парваришланиши;

- даста тайёрлаш ва пилла ўраш агротехникасини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- ипак қуртининг ёшлари б'уйинча фарқи ва рангини ўзгартириб боришини аниклаш;

- ипак қуртини боқиш шароити ва улрани парваришлаш технологиясини қўллаш;

- пленка остида қурт боқиш;

- такрорий қурт боқини *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

##### 6.2.4.2. Пиллаларни тайёрлаш ва дастлабки ишлов бериш фани б'уйинча

###### Бакалавр:

- пиллаларни ичидаги гумбакларни ривожланиш даврлари б'уйинча жинсларга ажратни;

- нуқсонли пиллаларни найдо бўлишида дастлабки ишлов беришни ўрни;

- пиллаларни давлат стандартлари ва пилла сифатини оширишдаги роли.

- пиллаларни дастлабки ишлов беришда иссиқликни ўрни ва аҳамияти *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- ипак қуртини ривожланишини;

- пиллани пиллаҳонага бир маромда, сифатли олиб келишни тартиб қоидаларини;

- пиллани найдо бўлиши ва уни биодинамикасини;

- пиллани ўз вақтида териб олишининг муҳимлигини;

- пиллаларни дастлабки ишлов беришда фойдаланадиган техникалар билан ишлашни;

- пиллаҳонага келадиган пиллаларни сифатини аниклаш ва таҳлил қилишни;

- пиллага дастлабки ишлов берилгандан сўнг пилла билан ишлаш ва уни сифатини назорат қилишни ва ушбу технологик жараёнга ташқи шароит омиллари таъсирини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- тирик ва қуруқ пиллаларнинг хусусиятларини фарқлаш;

- пиллаларга иссиқликнинг таъсири ва унда бўлаётган жараёнларни моҳиятини таҳлил қилини;

- қайта ишланган пиллаларни саклаш технологиясини тадбиқ этиш;

- пиллаларни дастлабки ишлов бериш базасига зинаноя усулани қўллаш

*кўникмаларига эга бўлиши керак*

##### 6.2.4.3. Ипак қурти касалликлари фани б'уйинча

###### Бакалавр:

- ипакчилликда ипак қурти касалликлари зарари;

- касаллик, патологик белгилар;

- иммунитет ва уни турлари;

- бактерия, вирус, небрина ва зумбурут касалликлари;

- касалликларни олдини олишда қилинадиган ишлар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- юкумли ва юкумсиз касалликларни;
- вируслар, бактериялар ва замбурутларни тузилишини;
- побрина касаллигини ўрганиш тарихини;
- побрина спорасини тузилишини;
- касалликларни келтирадиган зарарини;
- касалликларга қарши курашда ишлатиладиган кимёвий моддаларни;
- касалликларни келиб чиқишини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- микроорганизмлар тўғрисида маълумотларни таҳлил қилиш;
- бактерия, вирус, замбурут ва побрина касалликлари аломатларини аниқлаш;
- соғлом ипак қурти уруғини тайёрлаш;
- касалликларни олдини олишда санитария гигиена қоидаларига амал қилиш

*кўникмаларига эга бўлиши керак;*

#### 6.2.4.4. Ипак қурти уруғчилиги фани бўйича

##### Бакалавр:

- ипак қурти уруғчилиги фанининг моҳияти;
- уруғ тайёрлаш тарихи ва ривожланиши;
- уруғчилик корхонасининг чизмаси ва тузилиши;
- соф зот ва дурагай уруғлари тайёрлаш;
- уруғчилик корхонасининг вазифалари;
- наслчилик ишлари;
- уруғ тайёрлаш жараёнларининг календар микдор графиги;
- жонланган насли қуртларни тарқатиш режасини тузиш;
- насли қуртларни боқилиши ташкил этилиши;
- уруғ тайёрлашнинг биологик усули;
- уруғ тайёрлашнинг целлюляр усули *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- изоляция буюмларини тайёрлашни;
- микроскопни тузилиши ва у билан муомала қилиш ҳамда препарат тайёрлашни;
- фазо контраст қурилмаси билан ишлашни;
- насли илдаларни жинсларга ажратадиган аппаратлар билан ишлашни *билиши*

*ва улардан фойдалана олиши;*

- насли илдалар сифатини баҳолаш, саклаш ва саралаш;
- илдаларни жинсларга ажратиш;
- капалакларни микроскопда текшириш;
- уруғларни ювиш; уруғларга ишлов бериш;
- уруғларни саклаш ва қишлоқ технологиясини жорий этиш;
- соф илдаларни ҳисоблаш вариантларини аниқлаш;
- уруғларни тортиш ва қадоклаш *кўникмаларига эга бўлиши керак;*

#### 6.3. Таълим фанлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар:

*Таълим йўналишини бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар йўқотқичлари талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим фанларининг тарқлиби ва уларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар OTM Кенгаши томонидан белгиланиди.*

## 7 Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари

7.1. 5410900- *Ипакчилик* таълим йўналишини бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқинишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт таксимотига эга:

|                 |                  |
|-----------------|------------------|
| Назарий таълим  | 136 ҳафта        |
| Малака амалиёти | 16 ҳафта         |
| Битирув иши     | 5 ҳафта          |
| Аттестация      | 19 ҳафта         |
| Таътил          | 28 ҳафта         |
| <b>Жами</b>     | <b>204 ҳафта</b> |

7.2. Таълаба ҳафталик ўқув юкламасининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкламаси – 32 соат, қолган соатлар ҳажми мустакил таълим учун ажратилади.

7.3. Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.4. Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган қурелар муаммолари бўйича талабаларнинг мустакил таълими кўзда тутилади.

7.5. 5410900– *Ипакчилик бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари*

#### 7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмуни ва компонентлари «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

#### 7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар мазмуни ва компонентлари

##### 7.5.2.1. Олий математика:

алгебра: асосий алгебраик тузилмалар, векторли фазовий ва чизикли инфодалар, Буль алгебраси; геометри: аналитик геометрия, кўп ўлчамли Евклид геометрияси, чизиклар ва сиртларнинг дифференциал геометрияси, топология элементлари; дискрет математика; логикий ҳисоблашлар, графалар, алгоритмлар назарияси, тиллар ва грамматикалар, автоматлар, комбинаторика; анализ: дифференциал ва интеграл ҳисоблаш, функция назарияси ва функционал таҳлил элементлари, комплекс ўзгаришчилар функциялари назарияси, дифференциал тенгламалар; эҳтимоллик ва статистика; эҳтимоллик назариясининг математик асослари, тасодифий жараёнларнинг моделлаштириш, фаразларни текшириш, юқори тартиб ўхшатишлар тамойили, экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг статистик усуллари.

##### 7.5.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари:

ахборот тушунчаси ва унинг моҳияти; замонавий информатика ва ахборот технологиялари тушунчаси; информатиканинг асоси ва унинг замон тараққиётидаги аҳамияти; ахборот, ахборотлаштириш; ахборотларнинг ўлчов бирликлари; ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш технологиялари; компьютер – информатиканинг техник асоси; компьютернинг дастурий таъминоти; алгоритмлаш асослари; ахборотни тўғрлаш, узатиш, қайта ишлаш ва жамғарини жараёнларининг умумий тавенфи; инфорацион жараёнларни амалга оширишни техникавий ва дастурий воситалари; функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари; алгоритмлаш ва дастурлаш, юқори даражали дастурлаш тиллари; маълумотлар базаси; дастурий таъминот ва дастурлаш технологияси; компьютер графикаси асослари.

##### 7.5.2.3. Физика ва агрометерология:

*механиканинг физик асослари:* классик механикада ҳолат тушунчаси, ҳаракат қонуллари, сақланиш қонуллари, релятив механика асослари, механикада инсбийлик тамойили, каттик жисм, сузуклик ва ғаҳлар кинематикаси ва динамикаси;

*электр ва магнетизм:* вакуумда ва моддада электростатика ва магнетостатика, интеграл ва дифференциал кўринишдаги Максвелл тенгламалари, моддий тенгламалар, квазистационар тоқлар, электродинамикада нисбийлик тамойили;

*тебраниш ва тўлқинлар физикаси:* гармоник ва ногармоник осциллятор, спектрал ёйилманинг физикавий маъноси, тўлқин жараёнлари кинематикаси, меъёрий модлар, тўлқинлар интерференцияси ва дифракцияси, Фурье оптикаси элементлари;

*квант физикаси:* корпускуляр-тўлқин дуализми, ноаниклик тамойили, квант ҳолатлари, суперпозиция тамойили, ҳаракатнинг квант тенгламалари, физикавий қатталиклар операторлари, атомлар ва молекулаларнинг энергетик спектри, кимёвий боғланиш табиати;

*статик физика ва термодинамика:* термодинамиканинг уч қонуни, ҳолатнинг термодинамик функциялари, фазовий мувозанатлар ва фазовий ўзгаришлар, мувозанатсиз термодинамика элементлари, классик ва квант статикаси, кинетик ҳодисалар, зарядланган зарралар тизимлари, конденсациялашган ҳолат.

*агрометеорологияси:* хўжалик ишлаб чиқаришида ер атмосфераси муҳити; қуёш радиацияси; турлари, ўлчов бирликлар, спектрал таркиби; фотосинтетик фаол реакция; иқлимни шаклланишида қуёш радиациясининг аҳамияти; ҳаво ва тупроқни ҳарорат режими; атмосферада суя бутлари; ёгингарчилик, қор қоплами, тупроқ намлиги; шамол; об-ҳаво ва уни олдидан башорат қилиш; ўрмон хўжалиги учун хавfli бўлган метеорологик ҳодисалар; иқлим ва уни ўрмон хўжалик ишлаб чиқаришида аҳамияти; метеорологик кузатишлар; ўрмон хўжалик ишлаб чиқаришини метеорологик маълумотлар билан таъминлаш.

#### 7.5.2.4. Кимё:

*анорганик кимё:* Ўзбекистонда анорганик кимё фани ва кимё саноати, элементлар даврий тизими, моддаларнинг кислота-асослик ва оксидланиш-қайтарилиш хусусиятлари, кимёвий боғланиш, комплементарлик, комплекс бирикмалар, элементлар кимёси, s-, p-, d- ва f-элементлар, кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кимёлаштириш;

*аналитик кимё:* аналитик кимё фани ва унинг услублари, сифат ва миқдорий таҳлил, кимёвий таққослаш, аналитик сигнал, кимёвий, физик-кимёвий, физикавий таҳлил;

*органик кимё:* Ўзбекистонда органик кимё фанини ривожланиши, Бутлеровнинг тузилиш назарияси, органик моддаларнинг реакция қобилияти, органик кимёда изомерланиш ва номланиш, ахборот таҳлил, кўзу (оптик) изометрия, органик бирикмаларнинг асосий синфлари, терпенлар, стероидлар, каротиноидлар, липидлар, углеводлар, азот сакловчи бирикмалар, гетероциклик бирикмалар ва нуклеин кислоталар, олигомер ва полимерлар, биологик фаол органик бирикмалар ва уларни кишлоқ хўжалигида ишлатилиши;

*физикавий ва коллоид кимё:* модданинг агрегат ҳолати, кимёвий жараёнлар энергетикаси, ритмалар, дисперс тизимлар, кимёвий кинетика ва катализ, кимёвий ва фазовий мувозанат, электрокимё, коллоид кимё.

#### 7.5.2.5 Биология ва генетика:

*биология:* биология фани ва унинг йўналишлари; биология фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги; биология фанининг шаклланишида асосий босқичлар; Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти ва ундан кейинги қарашлар; тур ва популяция тушунчалари; табиий танланиш ва суғий танлаш; тирикликнинг моддий асоси хужайра жамлиги; организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши; онтогенез ва филогенез; ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги гипотезалар; биосфера ва одам; биосферата одамнинг таъсири ва унинг оқибатлари;

*генетика:* ирсият ва ўзгаришчанлик тушунчалари; генетика фанининг шаклланиши; ирсиятнинг цитологик ва молекуляр асослари; тур ичида дурагайлашда ирсиятнинг қонуниятлари; ирсиятнинг хромосома назарияси; аллел ва ноналлел генлар ўзаро таъсири натижасида белгиларнинг шакли ўтиши; шифобахоналик, ирсият; ирсиятнинг таъсири

конуниятлари; полиплоидия ва хромосомалар сонининг бошқа ўзгаришлари; узоқ дурагайлаш; инбридинг ва аутбридинг; гетерозис хиллари; индивидуал ривожланишнинг генетик асослари; популяцияларда генетик жараёнлар; мутация ва унга таъсир этувчи омиллар; хужайра ва ген муҳандислиги; геномика ва унинг амалий ютуқлари.

#### 7.5.2.6. Экология ва атроф мухит муҳофазаси:

*биосфера ва инсон:* Биосфера ҳақида тушунча. Биосфера ҳаётга таъсир этувчи омиллар. Биосенотлар, экосистемалар ҳақида тушунча. Ўзбекистонда атроф-мухитни муҳофаза қилиш тадбирлари. Атроф-мухитни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик. Атроф-мухитни муҳофаза қилишни миллий асослари. Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар. Инсоннинг табиатга таъсирининг асосий шакллари. Инсон билан табиатнинг ўзаро муносабатларидаги босқичлари. Табиатни муҳофаза қилиш шакллари. Атроф-мухитни муҳофаза қилишни илмий-техник тараққиёти. Фан-техника тараққиётининг табиатга салбий таъсири. Экологик инкиролларнинг келиб чиқиши. Экологик тараққиётларнинг амалий аҳамияти. Табiiй ресурслар. Табiiй ресурслар классификацияси. Табiiй ресурслардан фойдаланишни ортiб бораётганлиги. Табiiй ресурслар турлари. Атмосфера ҳавоси ва уни муҳофаза қилиш.

Атмосферани инфлoслантирувчи манбаалар. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш чоралари. Атмосфера ҳавосини инфлoсланиши ва уни инсон саломатлигига таъсири. Тупрок ресурслари ва уларни муҳофаза қилиш. Ўзбекистон тупрок ресурсларининг ҳозирги ҳолати. Тупрокни муҳофаза қилишда кўришaётган чора-тадбирлар.

*табиатдан фойдаланиш:* Чўлланиш муаммолари ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш. Чўлланишнинг асосий сабаблари. Чўлланиш механизми ва шакллари. Чўлланиш жараёни индикаторлари. Чўлланиш ва иктимой шароитлар.

Ўсимликлар дунбси ва уни муҳофаза қилиш. Ер юзи ва Ўзбекистондаги ўсимлик қатламининг ҳолати. Табиатда ва инсон ҳаётида ўсимликнинг роли.

Ўзбекистондаги муҳофазага олинган ҳудудлар. Ўзбекистонда ва Халқаро миқёсда ҳудудларни муҳофазага олиш бўйича қилинаётган ишлар.

Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш. Ер ости бойликларини аҳамияти. Қазилма бойликларнинг қайта тикланмаслиги. Фойдали қазилмалардан тўғри фойдаланиш. Ер ости бойликларини муҳофаза қилишда Ўзбекистонда ишлаб чиқилган қонулар.

Атроф-мухитни радиоактив моддалардан муҳофаза қилиш. Заҳарли химикатлар ва уларни биосферага таъсири. Пестицидларни ишлатиш ва аҳамияти. Минерал уғитлардан фойдаланиш ва унинг атроф-мухитга таъсири.

Атроф-мухитнинг чиқиндилардан муҳофаза қилиш. Чиқинди турлари. Чиқиндиларни зарарсизлантириш ва уларни сақлаш. Чиқиндилардан фойдаланиш. Утилизация.

Ўзбекистон Республикасидаги экологик сиёсат. Барқарор ривожланишнинг стратегияси. XXI-аср кун тартибида Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишига ўттиш модели.

#### 7.5.3. Умумқасбий фанлар мазмуни ва компонентлари

##### 7.5.3.1. Ботаника ва ўсимликлар физиологияси:

*ботаника:* курукликда, сувда ва бошқа мухитларда яшайдиган ўсимликларни анатомик ва морфологик тузилишларини, ўсимликлар морфологиясининг конуниятлари, ўсимликларнинг вегетатив ва генератив органлари тузилиши, вазифаси, метоморфози, редукцияланиши, ўсимликларни озикани ўзлаштириши, озикланиш усуллари, ўсимликларни сезувчанлиги, ўсимликларнинг кўпайиш усуллари, чангланиш, уругланиш жараёнлари, жинсий кўпайиш эволюцияси, ўсимликлар систематикаси, таксонлар, тубан ва юксак ўсимликларнинг аҳамияти, фитогеография, флора, ареал турлари, геоботаника, фитоценозлар, агрофитоценозлар, ўсимликлар экологияси асослари; ўсимликларнинг ҳаётий шакллари, Ўзбекистон ўсимликлари, чўл ўсимликлари, тоғ ўсимликлари, ноёб ўсимликлар, Ўзбекистон "Қизил китоби".

*олинган маълумотлар:* хар хил ландшафтдаги ўсимликлар қоплами билан рағишиш:

ёввойи ўсимликларни ўрганиш, кўникмалар ҳосил қилиш; асосий ботаник олда вакилларида гербарийлар тайёрлаш ва ботаник номларини аниқлаш; фитоценоз ва агрофитоценозларни геоботаник ўрганиш.

*Ўсимликлар физиологияси:* ўсимликлар физиологияси ва биокимёсини қишлоқ хўжалиги фанлари орасида тутган ўрни; ўсимлик хужайрасининг физиологияси ва биокимёси; сув алмашилиши; ўсимликларда минерал алмашилиши; фотосинтез ва нафас олишнинг физиологияси ва биокимёси; моддалар алмашинуви ва ҳаракатланиши; хужайралари таркибига кирувчи органик моддаларнинг таркиби, тузилиши, классификацияси ва вазибалари; ўсish ва ривожланиш физиологияси ва биокимёси; генератив органларнинг шаклланиш физиологияси; моеланиш ва чидамлик жараёнларини ҳосил шаклланишидаги биокимёвий асослари ва уларни турли омилларга боғлиқлиги; органик моддалар ҳосил бўлиши ва уларнинг сифат ва миқдорий таркиби.

Ўсимликлар физиологиясини ўрганишдаги лаборатория усули, ўсимликларни сунъий ўстириш усуллари – дала усули ва тарихий усуллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари, тушунтириш, моддалар алмашинувида ҳосил бўладиган органик бирикмаларни таркибини ўрганиш, нуклеин кислоталар тузилиши ва уларнинг функцияларини ўргатиш. Ўсимликлар таркибиде тўпланадиган захира моддалар уларнинг таркиби ва ҳоссалари тўғрисида тушунтириш. Қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини ошириш йўллари асослаб бериш. Ўсимликлар физиологиясини энг муҳим вазифаси аҳолини юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда ҳал этиладиган масалалар билан таништириш. Талабаларга физиологик маълумотларни, билимларни агрономлик, агромикё, ўсимликларни химоя қилиш, мева-сабзавотчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш, фермер хўжаликларини бошқариш, тўғичлик ва урмончилик ва бошқа қишлоқ хўжалик фанлари ва тармоқлари учун аҳамиятини кўрсатиб бериш.

#### 7.5.3.2. Зоология:

*зоология:* зоология фанини моҳияти ва уни қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, умурткасиз ва умурткали ҳайвонларнинг умумий хоссалари, Хужайра, тўқима ва организмларнинг умумий хоссалари, Ҳайвонларнинг эволюцион таракқиёти давридаги асосий фаркли белгилари, Ҳайвонларнинг кўпайиши, тузилиши ва ҳаёт фаолияти, Кўп хужайрали ҳайвонларнинг бошланғич ривожланиш этаплари, Ҳайвонот дунёсининг ҳозирги замон систематикаси ва систематик категориялари, умурткасиз ҳайвонларнинг табиатдаги ва одам ҳаётидаги тутган ўрни, Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ҳайвон турлари.

*дала маҳсулотлари:* табиатда-дала шароитида айрим фойдали ва зараркуанда ҳашоралар билан таниниш, улардан коллекциялар йиғиш; сўтгэмизувчи ҳайвонларда учрайдиган зараркуанда (паразит) ҳашоратлар ва турли ҳилдаги кон сўрувчи каналарни ўрганиш; Республика ҳайвонот боғидаги ҳайвон турлари билан таниниш;

#### 7.5.3.3. Ипак қурти эмбриологияси:

*эмбриологиянинг тарихий таракқиёти:* замонавий эмбриология; ипак қуртини ривожланиш давлари бўйича жинсий фарқи; ипак қуртининг тухумдон, тузилиши ва ривожланиши; уруғдоннинг тузилиши ва ривожланиши. Эркак ва урғочи қуртларнинг кўшимча жинсий органларини ҳосил бўлиши, тузилиши, ривожланиши ва ташқи белгилари; тухумни ҳосил бўлиши; тухумдонда жинсий хужайраларнинг ҳосил бўлиши; ипак қуртида овогенез ва сперматогенез жараёни; сперматозонларни ҳосил бўлиши ва тузилиши; тухумни оталаниши ва капалакларни тухум ташлаши; капалакларни чақштириш; ипак қуртининг партеногенез ва андрогенези; туухумда эмбрионни ҳосил бўлиши ва ривожланиш давлари; туухумдаги биокимёвий жараёнлар; ипак қуртининг воқолиги. Инкубация тўғрисида тушунча; ипак қурти уруғини жонлантириш муддатини аниқлаш; уруғни ривожлантиришга ташқи муҳитни таъсири; инкубаторияни танлаш ва ташқи эгиш; инкубаторияда ишни ташқи қилиш; уруғни жонлантиришдаги тартиби ва усуллари; уруғни жонлантиришга ҳароратни таъсири; уруғ - жонлантиришга шимлик ва

ёругликни таъсири. Инкубаторияни шамоллатиш тартиби; жонланган куртларни тортиш ва таркатиш; уруғларнинг жонланувчанлигини аниқлаш. Биотехнология тўғрисида тушунича. Биотехнология фанини кишлоқ хўжалигидаги ўрни ва ахамияти. Биотехнология ва ипакчилик. Хужайра ва тўкималар биотехнологияси. Ипак куртини жинсени бошқаришда ва тут дарахтини кўпайтиришда биотехнология усулларида фойдаланиш. Сунъий озукани тайёрлаш унинг таркиби ва ишлаб технологияси. Ипак куртини жинсени бошқаришда биотехнология услубиётларидан фойдаланиш. Сунъий озуда ипак куртини боқиб агротермоагротехнологияси. Сунъий озукани сақлаш технологияси.

#### 7.5.3.4. Ипак курти биологияси:

ипакчиларнинг халқ хўжалигидаги ахамияти ва тарихий тарққиёти; биология тўғрисида тушунича; ипак ва ипак куртлари; тут ипак куртининг ташқи морфологик тузилиши; куртнинг тери қоплами ва ёшлари бўйича фарқи; куртнинг нафас олиш органи ва мускуллар; куртларни овқатланиши ва хазм қилиш органини тузилиши; овқатни хазм бўлиши ва этологик жараён; қон ва қон айланиш системаси; куртнинг чиқариш органлари ва ёғ таначалари; нерв системаси ва сезги органлари; ипак безини тузилиши ва ипак суюқлигининг физика-кимёвий тузилиши; ипак суюқлигини чиқиши ва пилла ўраш биодинамикаси; пилланинг морфологик тузилиши; гумбак ва капалакнинг морфоло-анатомик тузилиши; капалакларнинг ҳаёт фаолияти.

#### 7.5.3.5. Тупроқшуноелик ва агрокимё:

Тупроқшуноелик фанининг мақсад ва вазифалари. Тупроқшуноеликни фан сифатида ривожланиши, бунда тупроқшуноелик олимларининг тарихий илмий изланишлари. Умумий тупроқшуноеликнинг асослари. Тупроқ пайдо бўлиш жараёнларининг умумий схемаси. Тоғ жинселари ва минералларнинг келиб чиқиши, нураши ва уларнинг турлари. Тупроқ пайдо қилувчи она жинселар ва уларнинг турлари. Тупроқ профилининг тузилиши ва унинг морфологик белгилари. Тупроқнинг механик таркиби ва умумий физик хоссалари. Тупроқнинг кимёвий таркиби, тупроқдаги макро ва микроэлементлар, тупроқнинг радиоактивлиги. Тупроқ пайдо бўлишда тирик организмларнинг роли. Тупроқнинг органик қисмининг келиб чиқиши, таркиби ва хоссалари, тупроқ гумуси, унинг таркиби, хоссалари ва тупроқ унумдорлигини ахамияти. Тупроқ коллоидлари, унинг таркиби, тузилиши ва хоссалари. Тупроқнинг сингдириш қобилияти ва унинг турлари - механик, биологик, кимёвий, физикавий ва физика-кимёвий сингдириш турлари. Тупроқнинг кислоталлиги, шикорийлиги, буферлиги. Тупроқ структураси. Сув хоссалари. Тупроқ ҳаво хоссаси ва ҳаво режими. Тупроқ унумдорлиги ва унинг яхшилаш чора тadbирлари. Тупроқларнинг географик тарқалиш қонуниятлари. МДХ давлатлари тупроқларининг келиб чиқиши, таркиби, хоссалари ва улардан кишлоқ хўжалигида фойдаланиш. Ўзбекистон ҳудудида тарқалган тупроқлар, уларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, хоссалари ва ахамияти. Тупроқ эрозияси ва унга қарши кураш чоралари. Шўрланган тупроқлар ва шўрланишни бартараф этиш чоралари. Тупроқ деградацияси ва муҳофазаси. Тупроқ бонитировкаси ва унинг ахамияти. Тупроқ хариталарини турлари ва улардан фойдаланиш.

Агрокимёнинг мақсади ва вазифалари, ривожланиш тарихи; ўсимликларни кимёвий таркиби ва озикланиши; ўсимликларни озикланиши ва ўғит қўлдан билан боғлиқлик хоссалари; минерал ўғитлар турлари; азотли, фосфорли, калийли, микроўғитлар, комплекс ўғитлар; кўкат ўғитлари; бактериял препаратлар; ўсимликлар озикланишининг диагностикаси. ўғит қўлдан тузилиши турлари, усуллари, муддатлари; асосий кишлоқ хўжалик экинларини ўғитлаш: гўзани, донли экинлари, сабзавот экинларини, мева ва дарахлар, ток ва тутни ўғитлаш, минерал ва маҳаллий ўғитларни сақлаш, ташини ва тайёрлашни ташқи қилиниши.

#### 7.5.3.6. Кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш:

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда механизация воситаларининг ахамияти ва ривожлантириш иетиқболлари. Вазирлар маҳкамасининг кишлоқ хўжалигини механизациялашга оид бўлган қонун ва қарорлари. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда

қўлланиладиган трактор ва автомобилларнинг таснифи ва асосий қисмлари. Ички ёнув двигателларининг таснифи. Тўрт тактли карбюраторли ва дизел двигателларининг ишлаш принципи. Қўп цилиндрли двигателларининг ишлаши. Двигател механизми ва тизимлари. Трактор ва автомобилларни куч узатиш қисми (трансмиссия). Трансмиссияларнинг вазифаси ва турлари. Барча гилдираклари етакловчи трактор ва автомобилларни куч узатиш қисмлари. Трактор ва автомобилларни юриш қисми ва бошқариш механизмлари. Трактор ва автомобиллардаги кўтарувчи системалар, осмалар, рул бошқармаси, тормоз тизимларининг тузилиши ва ишлаши. Трактор ва автомобилларни иш ва қўшимча жиҳозлари. Иш ускуналарининг хизмати ва вазифалари. Гидравлик ўрнатма тизимлари. Қувват олиш вади (КОВ), ҳаракатлангириш шкиви, 2 ва 3 нуктали ўрнатма қурилмалар. Трактор ва автомобиллар техник-иктисодий кўрсаткичлари ва қўлланиладиган эксплуатацион материаллар. Қишлоқ хўжалигида юк ташини воситалари.

Тупроқнинг физик ва технологик хусусиятлари. Тупроққа ишлов бериш усуллари ва машиналари. Ўғитлаш усуллари ва агротехник талаблар. Ўғит сочмиш аппаратлари. Ўғитлаш машиналарининг вазифаси умумий тузилиши ва технологик иш жараёни.

Уруғ экиш ва кўчат ўтказиш усуллари. Агротехник талаблар. Уруғ экиш ва кўчат ўтказиш машиналарининг вазифаси тузилиши ва ишлаши.

Экин қатор ораларига ишлов беришга нисбатан агротехника талаблари. Экин қатор ораларига ишлов бериш культиватор-оукулантиргичнинг тузилиши ва ишлаши. Чилпиш мослашнинг тузилиши ва ишлаши. Ўсимликларни химоялаш машиналари. Ўсимликларни химоялаш усуллари. Агротехник талаблар. Ўсимлик уруғларини дориласишлар. Пурқаш қурилмалари. Чанглатгичлар ва аэрозол генератори. Гербицид пурқашлар. Пахта ҳосилини йиғиштириш технологияси. Пахта ҳосилини йиғиштирадиган машиналар турлари. Агротехник талаблар. Пахта териш машиналари. Гузлов йиғиштириш машинаси. Машиналарининг тузилиши ва иш жараёни. Ем хашак йиғиштириш машиналари. Озуқабон экинларнинг ҳосилини йиғиштиришда ишлатиладиган машиналар. Донли, дуккакли экинлар уругини йиғиб олиш машиналари. Галла ҳосилини йиғиштириш технологиялари. Галла комбайнларининг вазифаси, умумий тузилиши ва иши. Дон тозлаш машиналари.

Иллагичлик ва мелиоратив сугориш ишларида қўлланиладиган машиналар. Сугориш усуллари ва машиналари. Картошка ва сабзавот йиғиш машиналари. Картошка йиғиштириш технологияси. Сабзавот ҳосилини йиғиштиришда ишлатиладиган машиналар. Фермер хўжаликлари учун кичик механизация воситаларидан самарали фойдаланиш. Ўсимликдунослик учун машиналар тизимидан фойдаланиш асослари. Ишлаб чиқариш жараёнларининг турлари. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида технологик харита. Агрегат турлари ва уни тузиш. Машина -трактор агрегатининг иш унуми. Машина -трактор агрегатларининг иш унумини ошириш йўллари. Мехнат, энергия ва ёқилғи сарфи. Машина - трактор нархи таркибини режалантириш. Қишлоқ хўжалигида электр энергиясидан фойдаланиш асослари. Электр юритма турлари, тузилиши ва қўлланилиши. Бошқариш ва химоялаш аппаратлари. Электротехнология ва автомат қурилмалардан фойдаланиш.

#### 7.5.3.7. Мевачилик ва сабзавотчилик:

*мевачилик:* мевачилик ва узумчиликнинг аҳамияти, соҳанинг ривожланиш истиколи; мевалилар ботаник таркиби ва биологик хусусиятлари; мевали дарахтларнинг тузилиши; ўсми ва мева бериш даври ҳамда қонуниятлари; мевали экинларнинг ташқи муҳит омилларига талаби; дарахтларни қўпайтиш усуллари; кўчатзорнинг таркибий қисмлари ва уларнинг вазифалари; мевалилар пайвандтаги ва пайванд усти; мевали боғлар ташкил этиш; ёш ва мева бераётган боғларни парваришлаш; дарахтларни кесмиш ва шакл бериш; кучсиз ўсадиган пайвандларда жадаллантирилган мевачилик; *ток ўсимлиги:* токнинг ботаник аҳамияти ва уни биологияси, қўпайтириш усуллари, токзорларни барпо этиш, ёш ва ҳосил бераётган токзорни парваришлаш, токтуларини кесмиш ва шакл бериш;

*очик ер сабзавотчилиги:* сабзавотчиликнинг аҳамияти; сабзавот қурилмаларининг

ботаник тузилиши ва классификацияси, ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари, ташқи муҳит омилларига муносабати; етиштиришни умумий усуллари; биологик асослари, навларни туманлаштириш ва етиштириш технологияси, мамлакатимизда етиштириладиган (экинлар гуруҳи бўйича) асосий сабзавот экинларини йиғиштириш ва маҳсулотига ишлов бериш;

*ҳимояланган ер сабзавотчилиги:* илитилган ер, парник ва исенкхоналарнинг тузилиши; химояланган ер иншоотларини иситиш усуллари, химояланган ер учун нур ўтказадиган материаллар; ёруғлик, исенклик, намлик ва ҳаво-газ тартиботларини соғлаш; гупрок араташмалари ва улардан фойдаланиш; сабзавот экинларини озикали эритмаларда ўстириш; кўчат етиштириш ҳусусиятлари. Сабзавотларни химояланган ернинг турли иншоотларида етиштириш технологиялари. Туманлаштирилган навлари;

*политичилик:* соҳанинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти; мамлакатимизда тарқалган политичилик хиллари; полит экинларининг ботаник тузилиши ва биологик ҳусусиятлари; ташқи муҳит омилларига муносабати, ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари; қовун, тарвуз, қовоқларнинг туманлаштирилган навлари; полит экинларини етиштириш ва ҳосилни йиғиштириш технологияси; уруғчилигининг асосий масалалари; маҳсулотни эрта етиштириш усуллари.

#### 7.5.3.8. Ўсимликшунослик ва вахтачилик:

*Ўсимликшунослик* мақсади ва вазифалари, экинларни гуруҳлаш, биологик ҳусусиятлари. Қуйидаги навбатланиш бўйича ўргатилади: келиб чиқиши, биологик ҳусусиятлари, ташқи муҳитнинг асосий омилларига талаби, туманлаштирилган асосий навлар, етиштириш технологияси ва ҳосилни йиғиштириш: донли экинлар; дуккасли – дон экинлар; мойли экинлар; илдиз ва туганак мевалилар; дубтолали экинлар, маҳорка билан томаки; ҳосилни дастурлаш; қишлоқ ҳўжалик экинларини ресурстежамкор технология асосида етиштириш. Экологик соф ҳосил олиш технологияси;

*пахтачилик* тармоқни ривожланиш истиқболлари; тўзани халқ ҳўжалигидаги аҳамияти; пахтачилик ҳолати; экин майлони, ҳосилдорлик, пахта ҳам анбесен яши ҳосил; пахта толасини ички ва ташқи бозорда фойдаланиши; тўзани морфологияси, биологияси, ўсиш ва ривожланиш ҳусусиятлари, ташқи муҳит омилларига талаби; туманлаштирилган асосий навлари; пахта етиштириш технологияси; ерта асосий ва экин олдида ишлов бериш, экин муддати ва усуллари, уруғ сарфи меъёри; гербицидлар ва ўғитларни қўллаш, далаги ҳосил йиғишга тайёрлаш; дефоляция ва десикация ўтказиш муддати ва усуллари; ҳосил йиғиш технологияси.

#### 7.5.3.9. Пиллачилик маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш асослари билан:

пиллачилик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш соҳасидаги қорхоналар; тирик пиллаларва ипак ҳам анбесени сақлаш тартиби ва унинг аҳамияти; навсиз пиллалар ва лоси қайта ишлаш технологияси; қуруқ пиллаларни сақлаш тартиби ва уларни ипак толаси сифатига таъсир; стандартлаштириш асослари; халқаро стандартлаш; стандартлаштириш соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва меъёрий ҳужжатлари; тут уруғи сифати бўйича Давлат стандарти; тут ниҳолчалари ва кўчатлари учун стандартлар; тирик пиллалар бўйича Давлат стандарти; қуруқ пиллалар стандарти; ипак ҳам анбесени сифати бўйича Давлат наторати; метрология асослари; инкубатория ва қуртхоналарнинг ҳарорати ва намлигини ўлчайдиган асбоблар; психрометр, гигрометр, термограф, гигрограф, кататермометр, анимометр, флюгерлар ва газанализаторларнинг тузилиши ва пиллачилик маҳсулотларини сертификациялаш тамойиллари ва тартиби.

#### 7.5.3.10. Тутчилик илмий изланиш асослари билан:

*тутчилик:* тутчиликни аҳамияти ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; тут дарахтининг географик тарқалиши ва систематикаси; тутнинг морфологик ва анатомик тузилиши; тутнинг генератив органлари, тути, меваси ва уруғини тузилиши; тутнинг асосий навлари; Ўзбекистондаги тут навлари; тутнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи экологик омиллар; тути ёруғлик, исенклик, намлик, гупрок ва ҳавога бўлган

талаби; тутни кўпайтириш усуллари; тут уругини тайёрлаш ва сақлаш; ниҳолча ва каламча еттиштириш; уруг экин бўлими; тутни каламчадан кўпайтириш; озика тузорлари ва турлари; баланч танали тузорлар; бўта тутларнинг ҳосилдорлигини аниқлаш; эски тутларни ёшартириш ва кўчириб ўтказиш; барг сифатини аниқлаш усуллари; тут дарахти касалликлари; замбурут касалликлари; вирус касаллиги, тут дарахти зараркуналлари;

*илмий изланиш асослари:* агрономия фанинг аҳамияти ва вазифаси; илмий-тадқиқот ташкилотлари ва институтларнинг вазифалари, илмий изланиш усуллари; дала тажрибасига бўлган асосий талаблар; тутчиликдаги дала тажрибаси; барг ҳосилдорлигини аниқлаш усуллари; 1 грамм ва 1 қути ипак куртига сарфланадиган озика микдорини аниқлаш; ипакчиликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш; ипак куртининг биологияси, экологияси, агротехникаси, касалликлари, уруғчилик ва наслчилик ишлари бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларининг услубиёти; насли куртларнинг маҳсулдорлигини аниқлаш услубиёти ва тадқиқот ишларини олиб бориш тартиби; тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш тартиби ва математик ҳисоблаш;

#### **7.5.3.11. Чорвачилик асослари:**

чорвачиликни қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти; ҳайвонлар анатомияси ва физиологияси туғрисида тушунча; асосий органларнинг вазифалари; ҳайвон зотлари ва наслчилик ишлари; ҳайвонларни озиклантириш ва рационерлар; озика турлари ва меърий озиклантиришнинг аҳамияти; хусусий зоотехния; чорвачилик маҳсулотларини еттиштиришнинг янги технологияси; сўт ва гўшт еттиштириш технологияси ва уларни сақлаш ва қайта ишлаш гигиенаси; товук туҳумларини тўплаш, сақлаш, сифатини аниқлаш ва ташвиш; тери маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сифатини аниқлаш.

#### **7.5.3.12. Тут касалликлари ва селекцияси:**

ипак куртининг озика базаси ҳисобланган тут дарахтининг касалликлари, уларнинг турлари, асосий зараркуналлар ҳамда шу касаллик ва зараркуналларга қарши кураш чоралари, уларни қўллашда илғор усуллар ва фан ютуқларидан фойдаланиб ипакчиликни илмий асосда ривожлантиришни ўргатиш.

тут дарахтининг замбурут, вирус ва бактерия касалликларининг белгилари, аломатлари, касалликни кечини ва ривожланиши, касалликни келиб чиқиш сабаблари, уларни юқумли ва юқумсизлиги, барг ҳосилдорлигига келтирадиган зарари ҳамда тут дарахтининг асосий зараркуналлари ва уларга қарши курашни чора-тадбирларини ўргатиш, ипак куртининг асоси бўлган тутчиликни ривожлантиришда селекционерлар томонидан яратилган янги нав ва дурагайлар билан озика базасини кенгайтириб боришларини, селекция ва генетика фанининг келажақда ривожланишини, селекция ишида қўлланиладиган усулларини, тут дарахтини ота-она белгиларига қараб, дурагайлаш техникаси, дурагайларни парваришдан ҳамда қимматбаҳо белгиларига ёки шаклига қараб танлашни, тут дарахтининг ўсиши, парвариши, нав ва дурагай тутларини ҳамда уларни ҳар хил касалликларга, журиликка чидамдигини аниқлашни ўргатиш.

#### **7.5.3.13. Ҳимликларни химоя қилиш ва фитопатология:**

Ҳимликларни химоя қилиш фанининг мақсад ва вазифалари. Ҳимликларни химоя қилишни фан сифатида ривожланиши, бунда ҳимликларнинг тарихий илмий изланишлари. Зарарли организмлар ҳақида умумий тушунча. Ҳимликларни зарарли организмлар химоя қилишнинг моҳияти ва уларнинг усуллари. Ҳимликларни химоя қилиш воситалари ва уларнинг турлари. Зарарли организмларларнинг морфологияси, анатомияси, физиологияси, биологияси, экологияси ва систематикаси. Маҳсулотларни омборхоналарда сақлаш давридаги зарарли организмлар ва уларга қарши кураш усуллари. Карантин зарарли организмлар ва уларга қарши кураш чоралари. Биологик ва кимёвий кураш чоралари. Энтомофаглар ва уларни кўпайтириш ва қўллаш усуллари. Пестицидларнинг таъсири ва уларни қўллаш усуллари. Микробиологик препаратлар ва уларнинг Ҳимликларни химоя қилиш соҳасидаги аҳамияти ва қўлланилиши.

*Фитопатология:* Фитопатология фанининг мақсад ва вазифаси; Ҳимлик касалликларининг қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий аҳамияти; фан ҳақида қисқача

тарихий маълумот; ўсимликларда касалликлар туфайли ҳосилдорлигини камайиши; саарофит ва паразит микроорганизмлар; облигат ва факультатив паразитлар; патоген микроорганизмларни ўсимликларда касалликларни кўзгатиши; касал ўсимлик ҳақида тушунча; патологик жараён; бирламчи ва иккиламчи инфекция; ўсимлик касалликларини белгилари; патологик ўзгаришларнинг кўринишлари (локал ёки маҳаллий ва умумий ёки диффузлик); касаллик кўзгатувчиларнинг асосий гуруҳлари (бактериялар, вируслар, фитоплазма ва замбурутлар); ўсимликларни юкумли касалликлари; ўсимликларни юкумли касалликларини келиб чиқиш сабаблари; инкубацион давр; касалликни тарқалиши ва зарари; кишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, касалликларга қарши самарали кураш чораларини ўрганиш; гўза касалликлари; галда донли экинларнинг касалликлари; дуккакли экинларнинг касалликлари; поллиз экинлари касалликлари; картошка касалликлари; помидор, қанд лавлагининг касалликлари; мевали дарахтлар касалликлари; ток касалликлари; тут касалликларини кўзгатувчиларининг биологик хусусиятлари, тарқалиши, ривожланиши, инфекция манбалари ва уларга қарши кўладиладиган агротехник, биологик ва кимёвий кураш чоралари.

#### 7.5.3.14. Ипак қурти селекцияси:

ипак қурти селекциясини нишланишдаги аҳамияти ва вазифаси; вольтинлигига ва географик келиб чиқишига қараб ипак қуртининг зотлар систематикаси; оқ нишла ўрайдиган янги зотлар; зотлар классификацияси; ирсият ва ўзгаришчанлик; зотлар ва линиялар; селекция ишларининг тартиби; хусусий селекция; нишаларнинг ипакчанлиги ва технологик хусусиятлари учун олиб бориладиган селекция; тез етиладиган зотлар селекцияси; бивольтни зотларини етиштириш хусусиятлари; ипак қуртининг жинсини бошқариш имкониятлари; ипакчиликда кўнайитириш усуллари; ипак қурти дурағайларини давлат синовидан ўтказиш; ипак қуртининг наслчилик ишлари; наслчилик станциясининг иши; наслчилик ишларининг вазифалари.

#### 7.5.3.15. Кишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва менежмент асослари:

